Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 197 (7687). ● 15 октябрь, 1981 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг Тошканбой Тўхтаев бошлиқ бригадаси чевар теримчилари ўртасидаги мусобақа авж олган. Суратда: бу меҳнат беллашуви илғорлари Мавлуда Тўлаганова ва Малоҳат Маҳкамовалар. Улар мавсум бошидан бери беш тон надан пахта териб қўйдилар.

Р. Галиев фотоси.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИЛАР

ТОШКЕНТ областининг пахтакорлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезднинг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақани кенг авж олдириб, комплекс агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказдилар, шу йилнинг мураккаб обн ҳаво шароитида муносиб маҳоврат, қатъият ва матонат намуналарини кўрсатдилар, пахтадан барвақт ва мўл ҳосил етиштирдилар, пахта йиғим-теримини намунали ўтказиб, пахта тайёрлаш планини 14 октябрь куни республикада биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов пунктларига 425 минг тоннадан знёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 31,4 центнер пахта йиғиштириб олинди, унинг 95 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. 350 минг тонна ёки тайёрланган пахтанинг 83 проценти механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Бир пахта териш машинасининг ўртача иш унуми 123 тоннадан ошиб кетди.

Областнинг ҳамма районлари пахтакорларининг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

Бўка, Ғалаба, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районларининг меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар. Улар давлатга пахта сотиш йиллик халқ хўжалик планларини республикада олдингилар қаторида бажариб, ҳозир етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш, юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш олиб бормоқдалар. Оққўрғон, Бекобод, Чиноз ва Янгийўл районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажариш арафасида турибдилар.

Коммунистик районидаги «Политотдел», Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бекобод районидаги Ленин номли, Ғалаба районидаги «Победа» ва «Ленинград», Бўка районидаги «Коммунизм» ва «Октябрь 40 йиллиги», Оққўрғон районидаги «Ленинизм» ва Охунбобоев номли, Пискент районидаги «Гулистон», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозлар ва бошқа хўжаликларнинг коллективлари пахта тайёрлаш йиллик планларининг муддатидан илгари бажаралишини таъминлаб, ҳар гектар ердан 40—47 центнердан ҳосил олдилар.

Ўнлаб бригадалар ҳозиргача ҳар гектар ердан 50—56 центнердан хирмон кўтардилар.

Областнинг барча шаҳарлари ва районларидаги саноат корхоналари, ташкилотлари ва ўқув юртларининг коллективлари областнинг давлатга пахта сотиш йиллиқ планини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар пахтакорларга ёрдам бериш учун бориб, ҳосил йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Область меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига амалий ишлар билан жавоб бериб, етиштирилган бутун ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари қўшимча равишда камида 75 минг тонна пахта топширишга ва республика хирмонига ярим миллион тонна Тошкент пахтасини етказиб беришга қарор қилдилар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 14 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҒАЛАБА	0,26	110,92	0,15	115,24
БЎКА	0,55	110,22	0,37	109,19
ПИСКЕНТ	0,82	102,70	1,02	107,64
ЎРТА ЧИРЧИҚ	1,70	101,96	1,20	106,37
КОММУНИСТИК	0,65	100,22	0,65	98,35
ОҚҚЎРҒОН	1,40	96,24	1,62	84,54
Бекобод	2,01	88,74	2,30	81,82
Чиноз	1,77	86,39	1,90	85,12
Янгийўл	1,20	84,21	1,83	69,07
Область бўйича:	1,31	98,87	1,28	105,71

ҒОЛИБЛАРГА ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шолини ўриб-йиғиб олиш, уни давлатга сотиш, уруғлик ғалаш ва шолини ташиб олиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1981 йил октябрь ойи биринчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроклари қуйидагиларга берилди:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусаханов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Рахмонов, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бекбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш — техника таъминоти Давлат комитетининг раиси ўртоқ Хегай). Бу область шоли ўриб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 20,9 процент, давлатга шоли сотиш планини 107,1 процент, шу жумладан ўн кунликда 83,2 процент, уруғлик ғамлаш планини 70,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 35,3 процент бажарган. Байроқ Қорақалпоғистон АССРдан олиб берилди;

Тошкент областининг Ғалаба районидаги (район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳадралиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Чинтошев, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Юнусов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Лим). Бу район шоли ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 8 процент, давлатга шоли сотиш топширигини 88,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 72,6 процент, уруғлик ғамлаш планини 33,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 33,6 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областининг Гагарин районидан олиб берилди;

Сирдарё областининг Сирдарё районидаги;

Тошкент областининг Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз (совхоз директори ўртоқ Омонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Айтбетов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Жўлдашев). Бу совхоз шоли ўрим-йиғими планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 45 процент, давлатга шоли сотиш топширигини 92,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 67,5 процент, уруғлик ғамлаш планини 39,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 39,3 процент бажарган. Байроқ Қорақалпоғистон АССР, Ленинобод районидаги «Олтин кўл» совхозидан олиб берилди;

Хоразм областининг Ғурлан районидаги «Гулистон» совхози;

Самарқанд юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестининг йиғма автомобиль колоннаси.

БАЙРОҚДА ОРДЕН

Ўрта Осиё темир йўлининг кўп минг кишилик коллективи ўтган беш йилликда баланд руҳ билан ижодий меҳнат қилди. Магистрал меҳнаткашларининг куч-ғайратлари ажойиб самарани берди: юк ташиш ҳажми анча кўпайди, иш унуми ошди, пландаги кўпгина марраларни ўзиб кетилди. Ўрта Осиё темир йўли ҳалқ хўжалик юкларини ва пассажирларни ташиш, юксак техник иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун Октябрь Революцияси орденига сазовор бўлди. 14 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш шу юксак мукофот топширилишига бағишланди.

Йиғилиш аҳли ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини мажлисининг фахрий президиумига баланд руҳ билан сайлади.

Йиғилишда СССР Темирйўллар министри Н. Г. Павловский нутқ сўзлади. Партия режаларини муваффақият билан амалга ошираётган совет халқининг ютуқларига темирйўлчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар, деди у. Юк ташиш шу йил тўққиз ойнинг ўзилагина бултурги шу даврга нисбатан 33 миллион тонна кўпайди, юк жўнатиш, юк оборoти, реализация этилувчи маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган планлар ошириб бажарилди. СССР транспорт тармоғининг илғор бўлинмаларидан бири — Ўрта Осиё темир йўли меҳнаткашлари эришган ютуқлари билан фахрланишга ҳақлидирлар. Янги беш йилликда Ўрта Осиёнинг пўлат магистралларида юк оборoти ва пассажир оборoти дадил кўпайиб боради, вагонлардан юк тушириш ва уларни тайёрлаш кўпаймоқда, поезднинг ўртача вазни ва вагонга тушадиган статик нагрузка каби муҳим кўрсаткичлар яхшиланди.

Ўн биринчи беш йиллик мамлакат темир йўлларини комплекс программа асосида ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида комплекс программанинг зарурати тўғрисида гапирганди. Шунингдек конкрет вазифалар белгилаб олиндики, уларни ҳал этиш соҳасидаги танг жойларни йўқотишга имкон беради, бутун тармоқни янги марраларга олиб чиқади.

Нотиқ Ўрта Осиё темирйўлчиларига хос ҳислатларни айтиб ўтди — улар илғор тажрибаларни ижодий, ишчанлик билан жорий этишга ўрганиб қолганлар, улар бу тажрибаларни бойитишга кўпгина ҳисса қўшмоқдалар. Белоруссия йўли меҳнаткашларининг ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланиб, юк ва пассажир ташишни маршрутлаш юзасидан иттифоқ бўйича эришилган ўртача даражадан анчагина ошиб кетишга муваффақ бўлдилар. Жанубий ураллик ҳамкасбларидан вагонлардан яхшироқ фойдаланиш ва юкларни яхшироқ сақлаш ишлари ўрганилди.

Юксак мукофот иш мумкин қадар кўпроқ самарали бўлиши учун ҳамма ишлар қилинган — қилинмаганлигини, масъулият ва интизом ҳамма ерда ҳам ҳозирги талаблар даражасидами, йўқми таққослаб кўришни тақозо этади. Ўрта Осиё Магистралининг меҳнаткашлари анчагина жиддий вазифаларни ҳал этишлари, жумладан, вагон юкини бўшатиш ва вагон оборотини тезлатишлари, бўш вагонларни тезроқ топширишлари, поезднинг қатнови графикларини аниқ бажаришлари, уларнинг участка тезлиги ва техник тезлигини оширишлари, пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини юксалтиришлари керак. Октябрь Революцияси орденли Ўрта Осиё темир йўли коллективи ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этиб, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшажагига шубҳа йўқ.

И. Г. Павловский йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Октябрь Революцияси орденини Ўрта Осиё темир йўли байроғига қалаб қўйди. Министр магистрал коллективини самимий кутлади, унга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Г. Анисимкин, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Қодиров, Тошкент локомотив депосининг машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Х. Исамуҳамедов, йўл Ашхобод бўлимининг поезд диспетчери А. В. Белугин, Қирғизистон Компартияси Ўш область комитети бўлимининг мудири А. А. Сидиқов, Мари станциясининг инженери М. Яшимова, Душанбе станцияси узел партия комитетининг секретари Н. С. Валюк темир йўлчилар меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга, ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Магистрал ходимлари магистралнинг юк ташиш ва юк ўтказиш қобилиятини ошириш борасидаги катта кўламдаги ишлари давом эттирмоқдалар. Поездлар юк ташиш ҳажмининг ўсиш суръатлари янги беш йиллик дастлабки 9 ойининг ўзидагина пландан икки баравар ўзиб кетганлигини, юк олувчиларга яна 1,5 миллион тоннадан кўп юк этиб бераётганлигини — темир йўл шу кўрсаткич юзасидан ишлаб чиқариш программасига нисбатан 5 кун олдинда эканлигини маълум қилдилар. Музокараларда темир йўлчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлигини тўғрисида, ҳаракат аниқлиги ва уюшқоқлигини ошириш зарурлиги, юк олувчилар билан юк жўнатувчилар ўртасида ишчи эстафетаси принципига биноан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида гапирилди. Нотиқлар темирйўлчилар бундан буён ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшиб, СССР ташқи эгилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга маҳкам бел боғлаганликларини айтдилар.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Л. И. Греков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар Л. Н. Мелқумов, У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

● ОҚҚЎРҒОН. Х. Олимжон номли колхознинг Абдулла Тўлаганов бошлиқ бригадаси аъзолари йиғим-теримда уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан сифатли хомашё йиғиштириб олинди.

Мажбуриятнинг барвақт бажарилишида дала гвардиячиларининг хизмати катта бўлди. Улар қабул пунктларига етказиб берилган 368 тонна пахтанинг 98 процентини «зангори кема» бункерларидан тўкдилар. Механик-ҳайдовчилардан Солижон Каримов шу кунгача 285 тонна, Назир Хусанов эса 160 тонна пахта териб беришди.

Бригада далаларида ҳали ҳосил мўл. Коллектив аъзолари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

● БЕКОБОД. Ленин номли колхоз аршунослари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга сотилган 6415 тонна хомашёнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳосилнинг 5320 тоннасини механик-ҳайдовчилар териб беришди.

Мамажон Мирзақулов, Абдубашор Усмонов сингари уста деҳқонлар раҳбарлик қилаётган участка коллективлари умумий хирмонга баракали ҳисса қўшдилар. Шунингдек, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова, Жўрабой Оллоназаров, Аликул Аҳмедовлар раҳбарлигидаги бригадалар ҳозирнинг ўзидаёқ 35—45 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар.

«Коммунизм» колхози пахтакорлари ҳам дастлабки довондан ошдилар. Давлатга 2200 тонна хом ашё сотилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

САҲНА УСТАЛАРИ ДАЛАДА

● БЎКА. Мукимий номли ўзбек давлат музикали театри саҳна усталари район хўжаликларида тез-тез бўлишиб, пахтакорларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқдалар. «Коммунизм», «Ленинизм», Тимирязев номли колхозларнинг аъзолари театр труппаси ходимлари хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

Фароғат Раҳматова, Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова сингари таниқли санъат усталарининг дилрабо қўшиқлари дала меҳнаткашларига завқ-шавқ бағишлаб, уларни янада унумли ишлашга руҳлантирмоқда.

ҲАШАР НОМИГА ЯРАША БЎЛСИН

● КОММУНИСТИК. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати пахтакорларга ёрдамга келган шаҳарлик ҳашарчиларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Айниқса, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларининг саноат корхоналари, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари коллективлари кунлик йиғим-теримда энг юқори натижаларга эришиб, Мурожаатга амалий жавоб бераётирлар.

Аммо, Коммунистик райони марказидан келган ишчи-хизматчиларнинг ҳашари кўнгилдагидек бўлмаётир. Ўз иш постларини ташлаб пахтазорларга чиққан 2300 кишининг бир кунда ўртача тераётган пахтаси 20 килограммга ҳам етмаётир.

Пахтазор — жасорат майдони. Қалб амри билан бу ерга келганлар ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, дала меҳнаткашларига сидқидилдан ёрдам кўрсатишлари лозим.

МАДАДКОРМИЗ

Ҳозирги пахтакор меҳнатини терим агрегатларисиз, миллион-миллион тонналарни жамлаган осмонўпар хирмонларни бу агрегатларнинг мададисиз тасавур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатида ҳам худди шу нарса таъкидланган.

Пойтахт Тошкент областининг механизаторлари машинада пахта териш планини биринчи бўлиб бажардилар. Бу бизга учун ҳам ёқимли ва фахрлидир. Чунки, улар бизнинг машиналаримиз билан шундай катта муваффақиятга эришишди. Мурожаатдаги **«Механизаторлар! Тошкент областининг шавкатли дала гвардиячиларига тенглашингиз. Ишчилар синфи сизларга ажойиб техникани бериб қўйган. Ишчилар синфи ана шу буюк ишни ўз баҳодирларига, дала гвардиячиларига ишониб топширганлигини халқ унутмайди»** деган сўзлар бизни янги-янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантиради.

Заводимиз коллективи, конструкторлар ва новатор ишчилар бу илҳомбахш баҳога жавобан янада серунум, сифатли терим агрегатлари яратиш устида жадал иш олиб бораверадилар.

Х. ҲОШИМОВ,
«Ташсельмаш» заводининг мастери, ВЛКСМ мукофотининг лауреати.

ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

14 октябрь куни Катта Кремль саройида олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгаш қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижтимоий фанларни ўқитишни, студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш, марксча-ленинча назариянинг актуал проблемаларини тадқиқ қилишни ривожлантириш билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қилмоқдалар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, олимлар, министрлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртларининг ректорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари иштирок этмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси яқдиллик билан фахрий президиумга сайланди.

Кенгаш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов нутқ сўзлади.

У бундай деди: ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашлари вақт-вақти билан ўтказиладиган бўлиб қолди. Бу табиий бир ҳолдир. Ижтимоий ривожланишнинг жўшқин жараёнлари, коммунистик қурилишнинг катта кўламдаги вазифалари, совет кишиларининг янги авлодларини тарбиялаш — буларнинг ҳаммаси бизнинг жамиятшуносларимиз олдига доимо мураккаб проблемаларни қўймоқда, уларнинг илмий ва ўқитувчилик фаолиятини муттасил такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мен Леонид Ильич Брежневнинг қизғин саломини ва энг эзгу-истакларини сизларга зўр мамнуният билан топшираман. Леонид Ильич олий ўқув юртлари кафедралари ходимларининг меҳнатини партия юксак даражада қадрлаётганлигини айтиб қўйишни сўради. Партия сизларга энг масъулиятли соҳалардан бирини, совет жамиятининг маънавий потенциалини ривожлантиришни кўп жиҳатдан белгилаб берувчи соҳани ишониб топширган. Кадрлар ғоявий сиёсий етуклигининг даражаси, бинобарин эса ижтимоий тараққиёт суръатлари ҳам талай даражада сизларнинг ишингиз қанчалик муваффақиятли бўлишига боғлиқдир.

М. А. Суслов мамлакат экономикасининг ривожига, халқаро вазиятга баҳо берди. У КПССнинг ривожланган социалистик жамиятдаги ролига партия XXVI съезди қарорлари асосида ижтимоий фанлар кафедралари олдида турган вазифаларга эътиборни жалб этди. Бу соҳада марксча-ленинча таълимотни ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади нотиқ. Революцион назарияни чуқур ўзлаштирганлигини таъминлаш учун студентларда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, КПСС ҳужжатларини, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини мунтазам равишда мукаммал ўрганиш кўникмаларини қатъий равишда ҳосил қилиш лозим.

Ижтимоий фанлар муаллими, деб таъкидлади М. А. Суслов, студент ёшлар ҳузурида ҳозирги марксчи-ленинчи фикрнинг намояндаси бўлиб майдонга чиқади. Бўлажак мутахассис ишчилар синфининг илмий идеологияси бутун теранлигини, яхлитлигини ва қудратини унинг ёрдамида билиб олади. Бу эса муаллимнинг интеллектуал, ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфасига нисбатан, унинг шахсига нисбатан алоҳида талаб қўяди. Жамиятшунос муаллим студентга билим бериш билангина кифояланмасдан, ўзининг бутун эътиқодини, бутун партиявий эҳтиросини, ўзининг маънавий тажрибасини ҳам ўтказади.

М. А. Суслов кенгаш якунлари совет жамиятшуносларининг илмий ва муаллимлик фаолиятини янада ривожлантиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин «КПСС XXVI съезди ва ижтимоий фанлар кафедраларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. У олий мактаб тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун, ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг фаолиятига юксак баҳо берганликлари учун олий ўқув юртлари кўп миллионли коллективи номидан КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ 110-КЕЛЕС САЙЛОВ ОКРУГИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

14-октябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар бўйича 110-Келес сайлов округи округ сайлов комиссияси 1923 йилда туғилган, миллати ўзбек, КПСС аъзоси, маълумоти олий, Ўзбекистон ССР Маданият министри, Тошкент область Тошкент районидаги Навоий номли колхоз аъзолари томонидан кўрсатилган Зоҳро Раҳимбобоева номзодини рўйхатга олди.

СИФАТ ИШ МЕЗОНИ БЎЛСИН

КОМПЛЕКС СИСТЕМА-ҲАР БИР КОРХОНАГА

Маҳсулот сифати — коллектив меҳнати кўзгуси, дейди халқимиз. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш коллективларининг фаолиятига баҳо беришда миқдор қатори ишнинг сифат кўрсаткичлари ҳам алоҳида ҳисобга олинмоқда. Сифатли — бу кўп демакдир. Чунки, замонамизнинг юксак талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар узоқ вақт унумли хизмат қилади. Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съезди қарорларида ишнинг сифат кўрсаткичларини оширишга катта эътибор бериш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу соҳада областимиз индустриясида қандай ишлар амалга оширилди, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, навбатдаги вазифалар ҳамда бошқа масалалар ҳақида Ўзбекистон республика Давлат стандарти бошқармаси бошлиғи Мирсобит Мирфайзиевич МИРСОАТОВ мухбиримиз М. Мирҳамидов билан суҳбатда шундай деди:

— Ҳаммага маълумки, коммунистик қурилишнинг барча босқичларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини юксалтириш масалалари доим Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг диққат марказида бўлди. Лекин, бу муҳим масала ҳеч вақт сўнгги йиллардаги, айниқса КПСС XXVI съезди қарорларидаги каби аниқ ва изчил қўйилмаган эди.

Бу албатта қонуний бир ҳолдир. Чунки, партиямизнинг меҳнаткашларнинг фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш, социал тадбирларнинг кенг программасини рўёбга чиқариш, саноатимизнинг экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан белгиланган режаларини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан товар ресурсларини ҳар томонлама кўпайтириш, бозорни лозим ассортиментдаги сифатли маҳсулотлар билан тўлароқ таъминлашга боғлиқ.

Ҳозирги кунда маҳсулот сифати корхоналар фаолияти натижасининг умумлашган кўрсаткичига айланиб қолди, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатида фаннинг унга кўшган улуши, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси, шунингдек, коллективларнинг меҳнат фаолияти ўз аксини топмоқда. Қисқаси эндиликда маҳсулот сифатини ошириш фақатгина муҳим иқтисодий вазифа бўлиб қолмай, айни вақтда кўп жиҳатдан ижтимоий-социал вазифа ҳамдир.

Ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг ўтаётган йилида маҳсулот сифатини ошириш учун кенг кўламда олиб борилган кураш ўз самарасини берди. Бутун республикамиздаги каби Тошкент областида ҳам давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми муттасил ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда пойтахт областининг 85 корхонасида фахрли беш қиррали тамга босилган мингдан ортиқ буюм турлари ишлаб чиқарилянти. Бундай буюмлар тайёрланаётган барча саноат маҳсулоти ҳажмида 13,7 процентни ташкил этиб тўрябди. Бу республикамиз бўйича ўртача кўрсаткичдан деярли икки баравар ортиқдир.

Сифат белгисини олишга муваффақ бўлган маҳсулотлар ичида пахта териш машиналари, трактор прицеплари, трансформаторлар, турли хил приборлар, химия асбоб-ускуналари, ҳар хил кабеллар, қийим-кечаклар, пойабзал ва кўпгина бошқа халқ истеъмоли товарлари бор.

Қатор бирлашмалар ва корхоналар коллективлари маҳсулот сифатини ихшилашда катта муваффақиятларга эришганлар. Масалан, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор», «Ташэлектромаш», Чирчиқ трансформатор заводлари, Бекобод цемент комбинати, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл мебель фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг бу соҳадаги ютуқлари ҳамма учун ибратлидир. Уларда жами маҳсулот ҳажмининг 30 процентдан 80 процентгачаси Сифат белгиси билан чиқарилянти.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича 1980 йилда эришган юксак натижалари учун ВЦСПС ва СССР Госстандарти Дипломи билан тақдирланди. Пойтахт областидаги 20 корхона коллективи эса худди шу соҳада юксак кўрсаткичлари учун Ўзсовпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон республика Давлат стандарт бошқармасининг Дипломлари билан мукофотландилар.

Бундай ютуқларга эришишда сифатни бошқариш комплекс системаси афзалликларидан самарали фойдаланиш катта ижобий роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳозирги вақтда пойтахт областидаги 156 та корхонада шу система жорий қилинган. Бундай корхоналарнинг 92-таси халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда. Комплекс система жорий қилинган корхоналарда ишнинг сифати анча яхшиланди, рекламациялар сони камайди, маҳсулотнинг брак бўлиш ҳоллари қисқарди. Айни вақтда юксак сифат категориясидаги маҳсулот ҳажми кўпайиб бормоқда.

Тайёрланаётган маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини оширишда камчиликлар ҳам анчагина бор. Бунинг учун барча мавжуд резервлар ва имкониятлар оқилона фойдаланилаётгани йўқ. Ҳозирги вақтгача областимиздаги 416 корхонанинг фақатгина 35 процентга яқинида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси жорий қилинганлигини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Бунинг устига бу системани қўллаётган барча корхоналар ҳам маҳсулот сифатини оширишда қўйилгандек натижага эришмаянти, ҳатто бу муҳим ишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан анчагина маҳсулот турларининг техник, эстетик ва истеъмол даражаси, шу жумладан қатор халқ истеъмоли товарларишки ҳам замон талабларига жавоб бермаянти. Ҳали ҳам сифати кўнгилдагидек бўлмаган маҳсулотлар магазинларга жўнатилмоқда. Бу ҳақли равишда истеъмолчиларнинг норозиликларига сабаб бўлянти.

«Ташхимсельмаш» заводи, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, Янгибозор, Уяли луб заводлари, Бекобод, Бўстонлиқ сут заводлари, Янгийўл ёғ-мой комбинати, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, Оққўрғон пахта тозалаш заводи, Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинати ва бошқа кўпгина корхоналарда стандарт қоидаларининг муттасил бузилишига йўл қўйилмоқда.

Бошқармамиз органлари шу йилнинг ўтган саккиз ойида 316 марта текшириш баб бўлмоқда. Оқибатда халқ хўжалигига кўп миқдорда зарар келтирилянти.

Аччинарлиси шундаки, ҳатто сифат белгиси билан чиқарилаётган айрим маҳсулот турлари ҳам брак қилинмоқда ёки сорти пасайтирилмоқда. Фақатгина 1981 йилда стандарт ва техник шароитлар талаблари, аттестация шартлари бузилганлиги учун беш корхона ишлаб чиқараётган 6 хил маҳсулот туридан давлат Сифат белгиси олиб ташланди.

Пойтахт областидаги қатор корхоналар юксак сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган планнинг бажарилишини таъминламаянти. Масалан, бу йил 17 корхона шундай қолоқликка йўл қўйди. Оқибатда 30 миллион сўмлик, шу жумладан 28 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари кам тайёрланди.

Бизнингча, маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг энг муҳим омилларидан бири маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини халқ хўжалигининг барча соҳаларида жорий қилиш ишларини активлаштиришдан иборат. Бунинг учун ҳамма турдаги ресурслардан самарали фойдаланишга эришмоқ даркор. Бу ана шу ишга муносабатнинг комплекс, планли, доимий, аниқ мақсадга қаратилган ва коллектив характерда бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимиз саноат марказларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, областимиз саноати ва қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун сифатни бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Тошкент область территориал системасини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тезлаштириш лозим. Стандартлаштириш, метрологик таъминот, аттестация ва маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини қўллаш соҳасидаги илғор тажрибани кенг оммалаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида область Сифат уйини, шунингдек областимизнинг саноат марказларида сифат уйлари, ёки кабинетлари ташкил этиш масаласини кўриб чиқмоқ керак. Ўзбекистон республика Давлат стандарти бошқармаси ходимлари ана шу муҳим ишда зарур бўлган барча методик ва амалий ёрдамни кўрсатишга тайёрдирлар.

МУСОБАҚА ЕТАКЧИЛАРИ

Областимиз электро техника саноати корхоналари ва нурхоналар коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар. Уларнинг бу фаолиятида касаба союз ташкилотларининг роли тобора ортиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг бу оммавий ташкилотлари коллективлар ўртасида ташкилий ва тарбиявий ишларни муттасил такомиллаштирмоқдалар. Бу ҳар бир корхона олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам бермоқда.

Саноатимиз бу тармоғининг меҳнаткашлари давлат планларини муваффақиятли бажаришмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида пландагидан ташқари кўп миқдорда электр энергияси ҳосил қилинди. Экономиканинг барча тармоқлари ҳаётбахш нур билан бир маромда таъминлаб турилди. Кўпимча реализация қилинган электротехника маҳсулоти 2 миллион 471 минг сўмликни ташкил этди. Нурхоналарда қатор янги қувватлар фойдаланишга топширилди. 178,8 минг квадрат метр уй-жой қурилди.

Электротехника саноати корхоналари ва нурхоналарида социалистик мусобақа оммавий тус олганлиги учун ҳам шундай муваффақиятлар йўлга киритилди. Ҳозир бу ватанпарварлик ҳаракатида ишчи-хизматчиларнинг 90 процентдан кўпроғи қатнашмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик ва ўн ва ундан ҳам ортиқ йиллик топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиққан 15 дондлор ишчи сафида Чирчиқ трансформатор заводининг токари Г. А. Мурзин ҳам бор. Унинг илғор иш усули коммунистик меҳнат мактабларида ўрганилмоқда. Натижада бу ташаббусга заводнинг яна беш илғор ишчиси қўшилди.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг электр монтажчиси Л. А. Валетова ўнинчи беш йилликда саккиз йиллик топшириқни бажарган эди. Ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди. Корхонанинг Р. Кличенко, М. Иброҳимов, К. Тошматов каби илғор ишчилари ҳам шундай марраларни белгиладилар. Беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган ҳаракатда юзлаб бошқа ишчи-хизматчилар, коллективлар ҳам қатнашмоқдалар. Масалан, беш бригада аъзолари беш йиллик топшириқни уч йилда бажаришга аҳд қилишди. 29 бригада коллективи ва 400 га яқин ишчи эса беш йилликни тўрт йилда, 120 бригада ва мингдан ортиқ ишчи 4,5 йилда бажариш учун курашмоқда.

СССР тузилганлигининг 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик тармоқ меҳнаткашларининг куч-гайратини янада авж олдириб юборди. Корхоналарда меҳнаткашларни шу сана шарафига зиммага олинган юксак мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Электр станциялари ва электротехника саноати ишчилари касаба союзи саккизинчи Тошкент область конференциясида ана шу рақам ва фактлар қайд қилиб ўтилди. Конференция делегатлари область касаба союз комитети раиси **К. Мақсудхоновнинг** докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар — Чирчиқ трансформатор заводи касаба союз комитети раиси **Ю. Кузнецов**, янги Ангрен ГРЭСи қурилиш бошқармаси бошлиғи **И. Шигильчева**, «Средазкабель» бирлашмаси электриги, цех касаба союз комитетининг раиси **П. Долгих**, Тошкент ГРЭСининг катта машинисти **К. Мирсодиқов** ва бошқалар асосий эътиборни янги вазифалар ва ҳал қилинмаган масалаларга қаратдилар.

Айрим қурилиш ташкилотлари («Средазэлектросетьстрой» трестининг 71-механизациялашган колоннаси, 1-«Ўзэлектростройҳ» трестининг 5-механизациялашган колоннаси), мажбуриятларигина эмас, ҳатто план топшириқларини ҳам уддаламади. Электротехника саноати корхоналари коллективлари маҳсулотни номенклатура бўйича ишлаб чиқариш планини бажармаянти. Чирчиқ трансформатор заводи ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини пасайтириб юборди, «Ўзбекгидроэнергострой» трести эса меҳнат унумдорлигини ошириш планини уддаламаянти.

Конференцияда актив билан ишлашни яхшилаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Область касаба союз комитети ҳузуридаги фабрика-завод касаба союз комитетлари раисларининг доимий ҳаракатдаги семинари лозим даражада фаоллик кўрсатмаянти. Коллективларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини оммалаштириш, мураббийчилик ҳаракатини кенгайтириш алоҳида эътибор бериш лозим. Йиғилишлар ва конференциялар иштирокчилари томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўриш лозим.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди, область касаба союз комитети, Тошкент область союзлараро ўн биринчи касаба союз конференциясига ҳамда электростанциялар ва электротехника корхоналари ишчилари касаба союзи республика конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзсовпроф раиси **Н. М. Маҳмудова** нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент область касаба союзлари Совети раиси **А. В. Бранлов** қатнашди.

Бўлиб ўтган ташкилий пленумда **К. Мақсудхонов** электростанциялар ва электротехника саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

Машинасозлик ва приборсозлик ва приборсозлик ишчиларининг Тошкент область ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Область касаба союз комитетининг раиси **Н. В. Бабичев** ҳисобот доклади қилди.

Конференцияда машинасозлик ва приборсозлик ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **А. Я. Рибаков** нутқ сўзлади.

Бўлиб ўтган ташкилий пленумда **Н. В. Бабичев** машинасозлик ва приборсозлик ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси қилиб сайланди.

КАСАБА СОЮЗЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар нон заводида 0,5 килограммли нонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аввалгиларига нисбатан ярим баравар кам ҳажмли янги хилдаги нонларни аҳоли сўйиб харид қиляпти. Суратда: пешқадам ишчи Ҳолида Мирзалиева ва лаборатория микробиологи Дилором Бикулова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечириштяпти.

Р. Галиев фотоси.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

КПСС ФАОЛИЯТИНИНГ БЕБАҲО ТАЖРИБАСИ

ПРАГА, 13 октябрь. (ТАСС). Прагадаги «Свобода» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» номли китобини чех тилида босиб чиқарди. Китобга 1978—1979 йилларга тааллуқли нутқлар, мақолалар, табриклар ва эсдаликлар киритилди.

«Руде право» газетаси шу нашрга бағишланган мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: китобга киритилган асарларда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг мустаҳкам тинчликни таъминлаш, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун курашдаги баҳодирона фаолияти ифода этилган. Бу асарларда КПСС XXVI съезди ҳамда Марказий Комитет пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш, Совет экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, СССРнинг мудофаа қобиляти-нин таъминлаш, Совет халқининг моддий ва маънавий турмуш даражасини юксалтириш соҳасида КПССнинг кўп томонлама иши кўрсатиб берилади.

КПСС Марказий Комитетининг, бутун партия ва давлатнинг кўп қиррали фаолиятига ўртоқ Л. И. Брежнев қўшган ҳисса ҳақиқатан ҳам бебаҳодир, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси. Л. И. Брежневни совет халқигина эмас, шу билан бирга жаҳон жамоатчилиги ҳам ленинча ташқи сиёсатнинг илҳомчиси ва ижодкори деб билмоқда. КПСС XXVI съезди олға сурган ва 80-йиллар учун мўлжалланган Тинчлик программаси ана шу сиёсатнинг ёрқин кафодаси бўлди. Ленин партияси, биринчи социализм мамлакати халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини қатъият ва изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, реакция ва жабр-зулм кучларига зарба бермоқдалар, янги жаҳон уруши хавфини тугатиш учун курашмоқдалар.

Тўплам уч китоб—«Кичик ер», «Тиклаиш» ва «Қўрқ» эсдаликлар китоби билан бошланади.

Бу асарлар, деб уқтиради ЧКП Марказий Комитетининг органи, уруш шароитларида ҳам, шунингдек тинчлик шароитларида ҳам КПСС билан Совет халқи қаҳрамонона зафарларининг эпопеясидир. Китобхонлар бу китобларни улар бой илҳомбахш материал бериши, Коммунистик партия раҳбарлигидаги халқ енгилмаслигига комил ишонч руҳи билан суғорилганлиги учун қадрламоқдалар. Ҳар бир эсдалик унинг автори ҳақидаги, унинг инсоний фазилатлари, сиёсат арбобига хос санъати, унинг кишиларга принципиал ва шу билан бирга меҳрибонлик билан ёндашуви тўғрисидаги қисса ҳамдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шахсан Л. И. Брежнев экономика проблемаларига, совет халқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ вазифалар эълон қилинган асарларнинг диққат марказидадир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг барча асарлари каби унинг тўпламга киритилган асарлари ҳам чуқур назарий ва ғоявий мазмунга бойдир, деб ёзади «Руде право» газетаси. Бу асарлар оптимизм руҳи билан, меҳнаткаш инсонга ҳурмат, реал социализмнинг ва тинч ҳамда прогрессив ривожланишнинг ҳал қилувчи гарантияларидан бири бўлмиш бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг кучига ишонч руҳи билан суғорилган.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **СОФИЯ.** Варнада микробиологияга бағишланган бешинчи миллий конгресс иш бошлади. Конгресс ишида болгариялик 600 нафар мутахассис билан бирга чет элларден, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган олимлар иштирок этмоқда. Конгресс қатнашчилари саноат, медицина, қишлоқ хўжалиги ва умумий микробиологиянинг энг муҳим проблемалари юзасидан докладлар тинглайдилар, шунингдек микроорганизмларнинг ўсиши, маҳсулдорлиги ва ривожланишига таъсир ўтказувчи омилларни ўрганиш юзасидан илмий изланишларнинг йўналишларини белгилаб оладилар.

● **ЛУАНДА.** Ангола информация агентлиги (АНГОП) мамлакатнинг саёз сохилида янги нефть кони аниқланганлигини хабар қилди. Агентликнинг уқтиришича, нефть машҳур нефтли қатламлардан жануб томонда жойлашган райондан биринчи марта топилган. Мутахассисларнинг дастлабки баҳоларига кўра, бу нефть конидан ҳар куни салкам минг тонна қимматли хом ашё қазиб олинади.

Ҳозирги вақтда республикада бир кунда 20 минг тонна нефть қазиб чиқарилмоқда. Нефть саноати министри Жоржи Аугушту ди Мораишнинг таъкидлашича, Ангола нефтчилари янги нефть конининг имкониятларини ҳисобга олиб 1985 йилга бориб бир кунда 50 минг тонна хом ашё қазиб оладилар.

● **ТОКИО.** «Бизга қуролланиш пойгаси эмас, балки тинчлик ва фаровонлик керак!» деган шиорлар остида Японияннг турли районларида халқ юриши бошланди. Мамлакат тараққийпарвар жамоатчилиги ўтказаётган юриш қатнашчилари кўплаб шаҳарларда бўладилар. Юриш Япония пойтахтида ниҳоясига етади.

(ТАСС, 13 октябрь).

МИСРДАГИ ВАЗИЯТ

ҚОҲИРА, 13 октябрь. (ТАСС). Бугун Мисрда республиканинг янги президентини сайлаш масаласи ҳусусида референдум ўтказилмоқда. Янги президент бундан бир ҳафта аввал Қоҳирадаги ҳарбий парадда ўлдирилган аввалги давлат бошлиғи Садатнинг ўрнини олади. Миср Араб Республикасининг халқ мажлиси мамлакатнинг вице-президенти Хусни Муборакни шу лавозимга яккаю-ёлғиз номзод қилиб кўрсатди. Мажлисда ҳукмрон халқ демократик партиясининг депутатлари кўпчиликни ташкил этади. Кейинги йилларда Мисрдаги референдумлар расмиятчилик юзасидангина ўтказилянти.

Шунга қарамай маъмурлар овоз бериладиган кунда қўшимча хавфсизлик чораларини кўриб қўйдилар. Сайлов участкалари, ҳукумат муассасалари қатъиқ қўриқланмоқда, полиция ва хавфсизлик хизматининг агентлари кўчаларда соқчилик қилмоқда. Мудофаа министри Абу Газалнинг айтишича, Мисрнинг қуролли кучлари оширилган жанговар тайёрлик ҳолатига ўтказилган. Газеталарда ички ишлар министрлигининг полициядаги хавфсизлик режимини бузувчиларга қарата ҳеч иккиланмай ўқ узиш тўғрисида буйруқ берилганлиги ҳақидаги огоҳлантириши эълон қилинди.

Бир қанча офицерлар қуролли кучлар сафидан бўшатиб юборилганлиги Миср пойтахтида расман эълон қилинди. Яқинда Асют шаҳрида бўлган қуролли тўқнашувларда қатнашган кишиларни излаш давом этмоқда. Шу муносабат билан МЕН агентлиги Қоҳирада кейинги кунлар мобайнида яна бир неча киши қамоққа олинганлигини хабар қилади.

ВАШИНГТОН, 13 октябрь. (ТАСС). Си-Би-Эс телевизион компаниясининг янгиликлар программасида айтиладики, Миср ҳукуматининг эътироф этишича, Садат ўлдирилишига сабаб бўлган фитна илгари тахмин қилинганидан анча кенг заминга эга бўлган. Ҳозирги вақтда фитнанинг яна иккита қатнашчиси изланмоқда. Қоҳирадаги ҳарбий парад чоғида хавфсизлик учун жавоб берувчи саккизта армия офицери қамоққа олинган.

ИҒВОГАРЛИК БАЁНОТЛАРИ ҚОРАЛАНДИ

КОБУЛ, 13 октябрь. (ТАСС). АДР ташқи ишлар министрлигининг вакили Буюк Британия бош министри М. Тэтчер Покистонга яқинда визит билан келган чоғида Афғонистонга ва советларга қарши айтган иғвогарона баёнотларини қатъиян ҳоралади.

Бундай баёнотлар Афғонистоннинг суверенитети ва территориал бутунлигига қилинган ҳуруж бўлиб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги нормал дипломатик муносабатларга зарар етказади, деб баҳоланмоқда, деди ташқи ишлар министрлигининг вакили.

Англия ҳукумати олий мартабали арбобларининг демократик Афғонистонга нисбатан душманчилик фаолиятидан дарғазаб бўлиб, Афғонистон ҳукумати юқорида эслатиб ўтилган фактлар асосида вазиятни ўрганишга ва зарур хулосалар чиқаришга мажбур бўлади, деб маълум қилди. Афғонистон ҳукумати ана шу ҳуружнинг эҳтимол тутилган оқибатлари учун бутун жавобгарлик Буюк Британия зиммасига тушади, деб ҳисоблайди.

ЛЕКТОРЛАР ҲАМ САФАРБАР

АГИТБРИГАДА ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Область «Билим» жамияти ташкилотининг 15 минг кишидан зиёд тарғиботчилари долзарб терим мавсумида, гайрат ва ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Тошкент область партия комитетининг пахтакорларга идеологик ва маданий-маиший хизматни яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарор ва кўрсатмалари, шунингдек, ушбу масала юзасидан идеология ходимлари активида ишлаб чиқилган тадбирлар дала меҳнаткашлари ўртасида уюштирилаётган тарғиботчилик фаолиятимиз йўналишини белгилаб бериш билан бирга, унга янгича руҳ ва мазмун бағишлади.

Ҳозиргача пойтахт олимлари, жамият лекторлари пахтакорлар ва ҳашарчилар ҳузурида энг актуал мавзуларда 1200 га яқин лекция ва суҳбатлар ташкил этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ республикадаги колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1981 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида пахтачиликни янада интенсивлаш ва пахта сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикамиз барча аҳолисига Мурожаатидан келиб чиқадиган вазифаларни тарғибот қилиш жамият аъзолари кундалик ижодий меҳнатининг бош мезонига айланиб қолди.

Пахта мавсуми давридаги фаолиятимизнинг характерли томони шундан иборатки, айтарли ҳар куни қишлоқ жойларига якка тартибда лекторлар, ёки коллектив тарзда фан ва маданият намояндаларидан иборат агитбригадалар жўнатилмоқда. Агитбригада аъзоларининг аксарият кўпчилиги Ўзбекистон Фанлар Академияси илмий-текшириш институтларининг етакчи мутахассислари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, етук ва тажрибали алломалардир. Улар дала шийпоиларида, пайҳалларда, устаханоларда ва пахта тайёрлаш пунктларида лекциялар билан чиқмоқдалар.

Шонли пахтакорларга лекция хизмати кўрсатишни янада яхшилаш масаласи область «Билим» жамияти президиуми мажлисларида, масъул котиблар ва референтларнинг ойлик семинар-кенгашларида кўриб чиқилмоқда. Сўнгги пайтда Галаба, Бўка ва Коммунистик район «Билим» жамиятларининг бу соҳадаги ҳисоботлари муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича йўл-йўриқлар ва конкрет маслаҳатлар берилди.

Оммавий пропагандистлик фаолиятимизда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳужжатлари ва съездда қўйилган улкан вазифаларни янада кенг тушунтиришга катта ўрин берилмоқда. КПСС ва Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсатини тарғиб этиш, фан ва техника янгиликлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, илғор иш тажрибаларини кенг ёйиш орқали меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдиришга жиддий эътибор берилмоқда. Лекторларимиз жойларда фақат лекция ўқиш билан кифояланиб қолмасдан, балки ҳосилни тез, тоза ва нобудгарчиликсиз териб олиш бўйича дала меҳнаткашларига тегишли маслаҳатлар бермоқдалар. Маҳаллий пропагандистларга илмий-методик ва амалий ёрдамлар кўрсатиб, учрашувлар сўнгида кўплаб илмий оммабоп рисолалар, ранг-баранг адабиётлар ва қўлланмаларни тақдим этмоқдалар.

Бўка, Оққўрғон, Галаба, Пискент, Янгийўл, Коммунистик район «Билим» жамияти ташкилотлари пахтакорларга лекция хизмати кўрсатиш ишларини пухта ўйлаб тузилган аниқ режа асосида яхши ташкил этмоқдалар. Мазкур районларнинг «Билим» жамияти президиуми аъзолари, илмий-методик секцияларнинг раислари колхоз, совхозларга, ёрдамчилар пахта тераётган хўжаликларга бириктириб қўйилган. Бошланғич ташкилотлардаги тажрибали лекторлар дала шийпоиларида уюштирилаётган оммавий-тарғиботчилик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Кимнинг қаерда, қандай темада суҳбат ва лекция ўтказиши тўғрисидаги маълумотлар партия ташкилотлари томонидан маъқулланган график ва иш планларида аниқ ифодаланган.

Областимиз пахта далаларида хизмат қилаётган ўнлаб агитбригадалар аъзоларидан профессор Мажид Зокиров, фан кандидатлари Шер Муслимов, Матлуба Абдураҳмонова, Султон Мажидов, Амина Каримова, Пўлат Ҳамидов, Абубакир Каримов, Маҳмуд Юнусов ва бошқаларнинг «КПСС — давримизнинг ақл-идроки ва виждонидир», «Партия режалари — халқ режалари», «Совет турмуш тарзи», «Минутлар ва граммлар», «Халқаро ҳаёт», «Пахта — халқ бойлиги», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ўн биринчи беш йиллиқда» каби темаларда ўқиётган лекциялари пахтакорлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинаётир.

Ҳамманинг ўрни пахтазорларда бўлган ҳозирги шароитда «Билим» жамиятининг ходимлари, йиллар давомида оммавий пропаганда ишларида тўпланган тажрибадан фойдаланиб ҳар бир лекция, савол-жавоб соати ва тематик учрашувларнинг сифати, ғоявий мазмуни, таъсирчан бўлиши учун астойдил курашмоқдалар. Лекторларимизнинг жозибали ва жонли суҳбатлари тингловчилар қалбидан чуқур жой олиб, уларнинг маънавий дунёсини бойитиб, янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

Ж. МУМИНОВ.
«Билим» жамияти Тошкент область бўлими правленисининг референти.

ҲОЗИР ПАХТАЗОРЛАРДА УЮШҚОҚЛИК, САБР-МАТОНАТ, МАРДЛИКНИ НАМОЙИШ ЭТИШ ҲАР ҚАЧОНГИДАН КЎРА МУҲИМДИР.

ДАМ ҒАНИМАТ

ИЛТИМОС, мухбир ака; суҳбатимиз қисқа ва лўнда бўлса. Чунки вақт зиқ, машина бекор туриб қолмасин.

Икки кўзини оппоқ пахтазордан узолмай, машинаси ёнида турган механизатор мухбирни ана шундай сўзлар билан кутиб олди. Вақт танобини тортиб, «зангори кема»сини тўхтовсиз бошқараётган бу фидокор механизатор фақат Ленин номли колхозидагина эмас Ўрта Чирчиқ райони «зангори кема» капитанлари даврасида қаровсизлик қилаётганлардан.

Терим агрегатлари соат эмас, бир минут бекор туриб қолса неча килограмм пахта йўқолиши мумкинлигини Абдушукур Ҳасанов жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у дақиқаларни ғанимат билиб, машиналар пайкаларга кира оладиган пайтларда тўхтовсиз ишлашга ҳаракат қилаяпти.

Дарҳақиқат, шу кунларда вақтнинг қадр-қиммати янада ошган. Фақат механизаторлар эмас, колхозчилар, совхоз ишчилари, шаҳарлардан келаётган ҳашарчилар ҳам иложи борича теримни кучайтиришга, хирмонга тобора барака киритишга интиляпти.

Ана шу вазиятни ҳисобга олиб иш тутаётган Кан О Нам, Кўчали Тошалиев, Эшбой Қўчқоров, Болтахўжа Иматов, Фарҳод Тошпўлатов, сингари уста пахтакорлар етакчилигидаги бригадаларнинг азамат заршуносларн ва улар кетидан изма-из жадалдаб келаётган пешқадамлар плашни бажариб қўйиб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» тошириляпти. Ҳар куни пўлат этаклардан тонна-тонналаб «оқ олтин» тўкаётган «зангори кема» капитанлари Рустам Абдураззоқов, Абдушукур Юсупов, Муҳиддин Парпиев каби шоввозлар аллақачон 180—200 тонналик маррага етиб олдилар. Бир кунда 18 тонна пахта териб, рекорд ўрнатган Эркин Рўзиевнинг довруғи довон ошди.

Мавсум бошидан бери терим суръатига қанот бахш этган шоҳли дала гвардиячилари ҳамон хирмонга барака киритишяпти. Улар бир кеча-кундузда 16—17 соатлаб тўхтамай, терим машиналари штурвалини бошқаряптилар.

Қизиқ, бу ҳол баъзиларга эриш туюлар экан. Улар «Демак, механик-ҳайдовчилар, деярли, дам олмай ишлайверар эканлар-да» дейишиб, эътироз ҳам билдиришади. Аммо, бир чапдаст механизатор бундайларнинг ҳаммасига биракай боплаб жавоб берибди: «Бир кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас, деганларидек йигим-терим мавсуми бир ойнинг нари-верисида ўтиб кетади. Шу вақт ичида озроқ дам олиб, кўпроқ ишласак узилиб қолмаймиз. Ҳосилни саранжомлаб олгандан кейин мириқиб дам олаверамиз».

Вақтнинг зое кетмаслиги кўп жиҳатдан унумли меҳнат учун зарур шароит бўлишига боғлиқ. Ўрта Чирчиқ район партия, совет, хўжалик органлари, колхоз раҳбарлари чевар теримчиларга ҳам, механизаторларга ҳам барча қулай маданий-маиший шароитларни яратиб бердилар. Техника

ЕЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

восталаларини ремонт қилиш, мойлаш, ёнилғи қуйиш бевосита далаларнинг ўзида бажарилянти. Магазин ҳам, ошхона ҳам, маиший хизмат ҳам пахтазорда. Ҳамма ерда бўлмаса ҳам кўпчилик хўжаликларда шундай. Тарғибот-ташвикот ишлари шиёнларга кўчирилган. Мусобақа якунларига бағишланган кунлик, беш кунлик кўрсаткичлар ҳамманинг кўз ўнгида. Бир зумлик тушлик овқат пайтида бу якунлар тантанали эълон қилиниб, мукофотлар эгаларига топширилянти.

Биз Энгельс номли колхоз раисининг маданий-оқартув ишлари бўйича муовини Ҳалимахон Холиқованни дала йўлида учратдик. Унинг вақти тиғиз. Дала шийпонига ошиқянти. Бешўн минут танаффуз пайтида мукофотларни механизаторларга топшириб олмаса, кейин уларни пайкалдан чиқариб бўлмайди. Буни қарангки, асил фидоийлар мукофотлаш маросимига ҳам вақтни қизғанишяпти.

Энгельс номли. Терешкова номли колхозларнинг правленеси, партия ташкилоти йигим-теримда иштирок этиши лозим бўлган аёлларга яхши шароит яратиб берган. Уларнинг фарзандлари йил бўйи ишлаб турадиган замонавий боғчалар боғида, тарбиячи меҳрибон опаларининг ғамхўрлигида яйраб юришибди. Боғчаларнинг ҳашаматли бинолари, шинам жиҳозланган покиза оппоқ хоналари, соя-салқин гулларга бурканиб ётган ҳовлиларни кўриб бизнинг шаҳардагилардан сира-сира қолишмаслигидан хурсанд бўлдик. Ота-оналар болалардан ҳеч ташвишланмай, далаларда бемалол ишлаяптилар. Қани энди ҳамма ерда ана шунақа замонавий боғчалар бўлса!

Бу ғамхўрликларнинг яна бир ажойиб хусусияти, бизнингча, моддий манфаатдорлик кенг ва чуқур татбиқ этилганлигидадир. Колхозларда меҳнатнинг, айниқса, механизаторлар меҳнатининг унуми тобора ошиб борган сари унинг қиммати ҳам кўтарилянти. Меҳнат яратаётган моддий маҳсулотнинг миқдори ва сифатига, плондан ортиқчасига қараб устама ҳақ тўлаш тўғри жорий этилмоқда. Натижада ҳалол меҳнат қилган кишининг даромади кўпайиб, меҳнатга иштиёқи ошиб борянти. Мана, бир мисол. Энгельс номли колхознинг 5-бригадаси ўтган йили 141 минг 700 сўм даромад олди. Ҳар бир механизаторнинг йиллик даромади ўрта ҳисобда 5200 сўмга тўғри келди. Бу йил ҳам ундан кам бўлмайди, дейишяпти.

Бир ойлик иш ҳақи 410 сўм! Бу бир ишловчимиз. Ошлада икки механизатор ва икки колхозчи ишлаётган бўлсачи? Унда оиланинг бир ойлик иш ҳаки 1200 сўмдан кам бўлмайди. Ҳа, меҳнат юксак қадрланиб, моддий манфаатдорлик таъминланган ерда муваффақият бўлаверади.

Куз ярим лаб қолди. Бундан буён ҳаво бир кун очиқ бўлса, бир кун қовоғини солиб туради. Далаларда эса ҳосил мўл. У минглаб деҳқонларнинг машаққатли меҳнати, пешона тери меваси. Демак ерда колдириб бўлмайди. Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатида ҳам бу алоҳида таъкидланади. Бу муҳим ҳужжат барча дала меҳнаткашлари ва шаҳарлик ёрдамчиларнинг қалбидан чуқур жой олиб, уларни бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ пахта теришга даъват этаётир. Ҳар бир механизатор, ҳар бир теримчи бундан буён суръатни бўшаштирмаслиги керак. Ҳақиқий пахтакор социалистик мажбуриятини бажариб, ваъдага вафо қилмагунча, пахтазорда чарчаш билмай, тер тўкади. Бундай фидоийлар эл-юрт олқишига сазовордирлар.

Тўлқин РУСТАМОВ.

БУГУНГИ КУНДА ҲАММАМИЗНИНГ ПАХТАКОР ДЕГАН УМУМИЙ ВА ФАХРЛИ НОМИМИЗ БОР. ВАТАН БИЗДАН ЖАСОРАТ КУТМОҚДА. МАШИНА ШТУРВАЛИНИ БОШҚАРИШГА, ЭТАК ТУТИШГА ҚОДИР ҲАР БИР КИШИ ПАХТА ТЕРИМЧИЛАРИ САФИГА ЎТИБ, ТЎЛА САМАРА БИЛАН ИШЛАШИ КЕРАК. ҲАММА КУЧ-ҚУВВАТЛАРНИ «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

СЎНГГИ МИСҚОЛГАЧА

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида хўжалигимиз пахтакорлари 1610 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, Ватанга 6500 тонна «оқ олтин» армуғон этиш мажбуриятини олганлар.

Пахта теримининг энг долзарб палласида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг оташин Мурожаати эълон қилинди. Бу даъватда бевосита биз, теримчиларга ҳам тааллуқли сатрлар бор. «ҲАР БИР ТЕРИМЧИ КУНЛИК ПАХТА ТЕРИШНИ БИР КИЛОГРАММ ОШИРСА, РЕСПУБЛИКА ХИРМОНИГА 5—8 МИНГ ТОННА КЎП ПАХТА ҚУШИЛАДИ», дейилади бу Мурожаатда.

Хўжалигимизнинг барча теримчилари республика партия ва ҳукуматининг чақириғига амалий иш билан жавоб беришга қатъий қарор қилишди. Улар орасида ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Баҳор Тошбоева, Зулфия Алиева, Саноб Тугалова сингари чеварларимиз ҳозирги кунда ҳам хирмонга 80—100 килограммдан пахта териб тўкишяпти.

Мен бу йилги мавсумда камида 7 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олганман. Ҳозиргача хўжалигимиз хирмонига 4 тонна бебаҳо дурдона тўкиб қўйдим.

Робия АРСЛОНОВА,
Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг кўпмингкилограммчи теримчиси.

КЕНЖА ҚИЗНИНГ ТОЛЕИ

ТУРТ аёл тўпланиб, ёшлар ҳақида гап кетгудек бўлса, Зеби хола келминдан гап очади. Бугун ҳам шундай бўлди.

— Ёшлигимизда бувиларимиз «аёл киши ўчоқ боши-ю, қозон капгирга хўжайин» деса, рост деб уйда ўтиравергандик эканмиз. Ҳозиргилар бутунлай бошқача,— салмоқлаб гап бошлади у. Узоққа бормай, келинимни олинг. Уйни ҳам, ишни ҳам саришталайди. Колхозда-ку, энг илғор механизатор. Ўзиям, бошлаган ишини тугатмагунча тинчимайдиган ҳилидан. Ўғлимнинг бахти бор экан, айланайлар.

—Қишлоқнинг олд қизини келин қилгансиз-да, овсинжон,— гапга аралашди чуваккина аёл.— Бир хушмуомала, бир одобли...

— Тўхтанг, тўхтанг, қўшнижон. Бир нарса эсимга тушди. «Темир-терсакнинг ичида юрган қиз супургини таниримикин», деб хархаша қилганлар ҳам бор эдими-я, ичимизда,— унинг гапини бўлди ёнидагиси.

Аёллар шарақлаб кулиб юборишди. Улар яна анчагача суҳбатлашишди. Келини деса оғзидан бол томадиган Зеби хола нинг кўкси тоғдек кўтарилди.

Маликахон қайнонаси айтгандек, ҳақиқатан ҳам чақкон, чапдаст, тутганини кесадиган ҳилидан. У Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг оғизга тушган механизаторларидан бири.

Кенжа қизнинг ўқиб, олий маълумотли бўлишини истаб юрган Новвот хола Малика етуклик аттестатини қўлга олган куни институтга кираман, дермикан деб оғзини пойлади. Лекин Малика:

— Ойижон, мана, мактабни ҳам тугатдим, дугоналарим билан келишиб колхозда қолишга аҳд қилдим,— деганда онасига бу фикри ёқиқирамаганини фаҳмлади.

— Касбингизни олиб, деҳқон бўлсам, ёмонми, ойи,— деди у эркаланиб. — Ўқи десангиз ўқийман ҳам, фақат механизаторликка.

Қизининг дадил, мустақил фикридан Новвот холанинг кўнгли яйраб кетди. Маликани бағрига босиб, пешонасидан ўпди.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Малика дастлаб оддий колхозчи бўлиб ишлади. Чигит экишдан тортиб, то ғўзапоя йиғиштирилгунгача далада бўлди. Кейин механизаторлик курсига кириб ўқиди.

1976 йили «зангори кема»си билан 80 тонна пахта терди. Эшанда Новвот хола Маликадан ҳам кўпроқ кўвонган эди. Келаси йили кўрсаткич янада ортди. Малика колхоз ёшларининг фахри бўлиб қолди. Ўзбекистон ленинчи ёшларининг XXI съездига делегат қилиб сайланди. 1979 йили эса унинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа рўй берди. Колхоз коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилишди.

— Партия билети олган кунимни ҳаяжон билан эслайман,— дейди Малика. Назаримда партбилетим менга қанот бахш этади. Коммунист деган шарафли номни меҳнатим, қўлга киритган зафарларим билан оқлашга ундайди.

Малика деҳқон қизи. Касбининг қақадар шарафли эканини яхши билади. У Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди залида ўтирганида буни яна бир бор ҳис қилди. Съезддан қайтгач яна ҳам яхшироқ ишлашга, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили хирмонига 150 тонналик улуш қўшишга аҳд қилди. Кузни орзиқиб кутди.

— Кузнинг майин тонгида боғларга термилсангиз, боғлар ғазал ўқиётганга ўхшайди,— дейди Малика бу фаслнинг таърифини келтираркан.— Пахтаси бодраб очилган далалар-чи. Нақадар ажиб манзара қашф этади.

Маликанинг сўзларини тингларканман кўзлари қуралай, қуюқ қошлари хаёл қайрилган бу келинчакнинг далаларга, заминга, танлаган касбига қўйган меҳрига ҳавасим келди.

Малика Алимова меҳнат қилаётган «Ленинский путь» колхозида эса, пахтасини, элини, туғроғини суйганлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам колхозда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хўжалик заршунослари бу йил 1152 гектар ерда пахта етиштирдилар. Ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон кўтариш уларнинг эзгу мақсади. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар билан терилмоқда.

Айниқса Абдурашид Усмонов, Сафарбой Ҳариев, Нафиса Раҳматуллаева каби механик-ҳайдовчиларнинг ғайрат-шижоатига ҳамма қойил! Шу кунларда колхозданги 34 механизаторнинг ҳаммаси мусобақа асосида иш олиб бормоқда. Малика эса ана шу мусобақада пешқадамлик қилаётганларнинг бири.

З. РЎЗИЕВА.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг механизаторлари иккинчи машина теримини ҳам уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Улар кунига агрегатларида 4—5 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлмоқдалар Суратда: бригада бошлиғи Турғон Илёсбоев механик-ҳайдовчилар ўртасидаги мусобақада голиб чиққан Раҳматилла Раҳимовга кўчма вимпел топширмоқда.

А. Зуфаров фотоси.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ ХАБАРЛАРИ

ПИСКЕНТ. 1-«Пискент» совхозида кўпмингкилограммчи теримчилар ўртасида социалистик мусобақа тобора қизғин тус олянти. Ўтган беш кунлик якунларига кўра бу меҳнат беллашувида хўжалик биринчи бўлимидан З. Бойматова ва М. Юнусова, иккинчи бўлимидан М. Мўминова ва М. Шокировалар 500—580 килограммдан пахта териб, голиб чиқишди. Улар вимпелларга ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Чеварлар сафи кенгайиб бормоқда. Шу кунларда совхознинг М. Раимқулова, П. Алибекова, Ф. Гулмамедова каби ишчилари ҳам 100—120 килограммдан пахта теришга эришмоқдалар.

Ҳ. МИРСОЛИЕВА.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Бу йил пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш учун курашаётган Ленин номли колхознинг А. Тожибоев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳосил теримини уюшқоқлик билан олиб борянтилар. Механик-ҳайдовчилар С. Тожибоев, Ў. Мусақулов, О. Мусаевлар иккинчи машина теримида ҳам пўлат этакларидан хирмонга 4—5 тоннадан пахта тўкишяпти. Теримчилар ўртасидаги мусобақада эса Ж. Чирчиқбоева, С. Керимбоева, Қ. Элчибоевалар пешқадамликни қўлдан беришмаянти. Улар бу йилги мавсумда 7—8 тоннаден «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олганлар.

С. МУСАЕВ.

ОҚҚЎРҒОН. Тошкент райони меҳнаткашлари йигим-теримда пахтакорларга мададкор бўлишяпти. Айниқса, 68-қишлоқ хунартехника билим юрти, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси, район маиший хизмат кўрсатиш комбинати, Ворошилов номли санаторий ҳашарчилари катта химмат кўрсатишяпти. Улар Охунбобоев номли, Ҳ. Олимжон номли, «Партия XXII съезди», «Ленинобод» колхозлари хирмонига кунига 40—45 тоннадан пахта тўкишяпти.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

Шунингдек, редакциямизга **Т. Шералиев, З. Ашуров, Т. Рустамов, И. Одилов, И. Қосимов, Т. Жўраев, Б. Акбаров, Б. Эсонқулов, Р. Бойтуллаевлар** ҳам хат-хабарлар йўллашган.

ИККИНЧИ ТЕРИМ РЕЗЕРВЛАРИ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ПАХТА йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди. Иккинчи машина терими учун иш фронти очилиб, агрегатларнинг тезлигини ошириш имконияти вужудга келди.

Бу йил область хўжаликлари далаларида ҳосилнинг асосий қисми пишиб етилганда машина терими бошланди. Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилганлиги, механик-ҳайдовчиларнинг маҳорати ва техника хизматининг юқори савияда бўлганлиги терим сифатининг яхши бўлишини таъминлади. Терим конвейерининг бетўхтов ва юксак сифат билан ишлаши натижасида пахта тайёрлаш суръати жадал бўлди. Етиштирилган ҳосилнинг ярмидан кўпроғи биринчи теримдаёқ йиғиштириб олинди. Шпинделли машиналар қувватидан юксак унум билан фойдаланиш йўли билан иккинчи теримда камида учдан бир қисмини териб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун терим агрегатлари теалигини ошириш, аппаратларни тўғри созлаш ва ерга тўкилган ҳамда ғўза тупларида қолиб кетган пахтани йиғиштириб олиш лозим бўлади. Иккинчи теримда машина тезлиги ошганлиги сабабли агрегатларнинг айрим қисмлари тез-тез ишдан чиқиши мумкин. Шунинг учун бу даврда машиналарга техник хизмат кўрсатувчи звеноларнинг иши янада кўпайди. Улар эҳтиёт қисмларни кўпроқ ғамлаб қўйишлари, терим агрегатларидан бирортасининг ҳам тўхтаб қолишига йўл қўймасликлари ва шу йўл билан теримнинг бир маромда жадал давом этишини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур.

В. БАБАНЕЦ,
«Узгоскомсельхозтехника» область бирлашмаси раисининг ўринбосари.

МУРОЖААТГА АМАЛИЙ ЖАВОБ

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Тунов куни биз пахта тераётган Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Узоқ Сайёдов бошлиқ бригадасига лектор ўғлимиз Муҳиддин Солиев келди. У бизларга республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини ўқиб берди. Бу даъватда **«Бугун республиканинг ҳар бир аҳолиси — колхозчи ва ишчи, ёзувчи ва олим, инженер ва педагог, ҳизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳосилнинг тақдирига шахсан даҳлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаши, жонтани билан пахтакор бўлиши керак. Мана шу ҳал қилувчи кунларда ҳамма, айнан ҳамма далага чиқиши лозим»,** деб жуда ҳаққоний, дилимиздаги гаплар айтилибди.

Виждон амри биз, меҳнат ветеранларини ҳам пахтазорга чорлаган. Йигим-терим бошланиши биланоқ ўрта чирчиқлик бир гуруҳ меҳнат ветеранларининг чақирилига жавобан кексалардан алоҳида бригада ташкил этган эдик. 35 нафар меҳнат ветеранларидан иборат бригадамиз аъзолари баҳоли қудрат пахтакор ўғил-қизларимизга бу йилги тоят ноқулай об-ҳаво шароитда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда ёрдам кўрсатмоқдалар.

Колхозимиз аъзолари 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажарганлар. Биз меҳнат қилаётган бригадада эса 96 гектар ернинг ҳар гектаридан 48,5 центнердан пахта теріб олиниб, социалистик мажбурият ҳам ушдалаб кўйилган. Ана шу баракали хирмонларда бригадамиз меҳнат ветеранлари теріб берган 25 тонна пахта борлигидан мамнунмиз.

Аммо ҳали ҳам пахта далаларида ҳосил сероб. Беҳисоб чаноқлардаги пахта ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар дақиқаси қадрига етиб, бутун ҳосилни тезроқ саранжом-саришта қилишга чорлаяпти. Шунинг учун партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан пахта терилмининг сўнгги кунигача ўғил-қизларимиз билан бир сафда бўламиз.

А. ТОШПЎЛАТОВ,
меҳнат ветеранлари бригадасининг бошлиғи.

ХЎЖАЛИК ШАХСИЙ — МАНФААТИ УМУМИЙ

ЭҲТИЁЖДАН ОРТИҚЧАСИ — ДАВЛАТГА

Телов қишлоқ Совети территориясида 1012 хонадон истиқомат қилади. Ҳозирги кунда ҳар бир хонадон ўз чорва молларига, томорқа ерига эга.

Қишлоқ хонадонларида шахсий хўжаликни ривожлантириш, мол туёғини кўпайтириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Қурама тоғ тизмалари бағридаги жойлардан ҳар бир қишлоқ учун алоҳида яйлов ажратилган. Хўжаликлар қишловга етарли табиий ҳашак тайёрлаб олишлари мумкин.

Ворошилов номли совхоз маъмурияти айрим хонадонларга сомон ва ҳашак билан ёрдам бермоқда. Ҳар бир оила ўз томорқа участкаларида имкониятига яраша деҳқончилик қилмоқда. Қишлоқ Совети аҳолининг эҳтиёжидан ортиқча чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини харид қилишни яхши йўлга қўйган.

Турсунмат Тўқлибоев, Қочқин Нурматов, Сайдали Бойқораев, Абдукарим Ҳолбоев, Абдуназар Рисбоев, Муса Турғунов, Қодир Ғойназаров, Ҳасан Рисбоев сингари ишчи хизматчиларнинг оилалари маҳсулот топшириш ишида ўрнак кўрсатишмоқда. 4-бўлим ишчиси Қочқин Нурматов бир тоннадан зиёд гўшт топширди. 35-мактаб директори Абдуназар Рисбоев, 2-бўлим бригада бошлиғи Турсунмат Тўлибоевлар оиласидан 600-700 килограммдан сут харид қилишди.

Аҳолидан сут, гўшт, тухум қабул қилиб олишда жонбозлик кўрсатаётган пункт ходимларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хасан Рисбоев Ленинобод қишлоғи аҳолисидан 30 тоннадан кўпроқ сут йиғиб олгани учун «Жигули» енгил автомашинаси билан, Қочқин Нурматов, Муса Турғунов, Қодир Ғойназаров ва бошқалар гилам ва полос билан мукофотландилар.

Қишлоқ Совети бўйича аҳоли эҳтиёжидан ортиқча 140 центнер гўшт (тирик вазнда), 1050 центнер сут, 350 центнер хўл мева қабул қилиб олинди. Бу ишда Ҳолбой Ҳасанов, Мадумар Мингбоев, Абдужаббор Мамбетов каби депутатларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
Охангарон райони.

РАССОМ ДАЛА КЕЗАДИ

— Бир ғижиб оламан, деб тупликни ҳам ўтказиб юборибман-ку!

— Кимнинг хотини терган пахтаси кўп тош боснинга бас бӗлашамизми?..

А. Холиқов чизган расмлар.

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

ОЛИМ, ПЕДАГОГ, ЖУРНАЛИСТ

Саломқли илмий изланишлари, ҳалол меҳнати, коммунистик тарбияга қўшган муносиб ҳиссаси ва етиштирган ўнлаб шогирдлари билан обрў-эътибор орттирган меҳнаткаш, камтарин олимларимиздан бири — Мажид ака Самадовдир. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, таниқли адабиётшунос ва ёшларнинг севимли мураббийси бўлмиш домламиз 60 ёшга тўлдилар.

Мажид Самадов умр дафтарини варақлар эканмиз, кўпчиликка ибрат бўла оладиган ҳаёт саҳифаларига кўзимиз тушади. Дастлаб шуни айтиш керакки, 40 йиллик меҳнат фаолиятида Мажид ака улкан илмий-педагогик ва ижодий йўлни босиб ўтди. Таълим-тарбия ишларини яхшилаш, педагогик кадрлар тайёрлаш ва фанни ривожлантиришда бевосита иштирок этиб, ўз қобилияти, билим ва маҳоратини намойиш қила олди. Шундай тонфадаги одамлар борки, камолотнинг ҳар даврида ўз тақдирларини ўзлари белгилайдилар, бутун куч-ғайратни ҳаракат ва интилишини муайян бир мақсад сари йўналтирадилар, аниқ бир ниятни рўёбга чиқариш йўлида машаққатли меҳнатга ўзларини бағишлайдилар. М. Самадов ҳам ана шу тонфага мансуб.

У йигитлик давриданоқ жиддий синовларда тобланди. Улуғ Ватан урушида иштирок этди. Ҳукуматимизнинг ордеи ва медаллари билан тақдирланди. Урушдан қайтгач илмий-педагогик ишларига астойдил берилиб кетди. Ўзидаги мақсад ва моҳилликка кўра ўқиб билим олиш учун В. Г. Белинский номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини танлади. Мазкур институтнинг кечки бўлимини 1949 йили битиргач, меҳнат фаолиятини республика педагогика фанлари илмий текшириш институтида кичик илмий ходимликдан бошлади. Лекин кўзланган мақсадга эришиш учун бунинг ўзи кифоя қилмаслигини яхши биларди. Ўқишни давом эттирди. М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг аспирантурасига қабул қилинди. Худди шу кезлар изланувчан педагог учун назарий билимларни чуқурроқ эгаллашга кенг йўл очиб берилди. Бўлажак олим илмий иш қила бошлади. Шу йиллари «Комил Яшин драматургияси» мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб борди. Тўпланган илмий хулосалар асосида ёзилган мақолалари вақтли матбуотда тез-тез босила бошлади.

Олимнинг «Комил Яшин, «Комил Яшин ижодида қишлоқнинг янги кишилари», «Улуғ шоир ва революционер», «Жанговар шоир», «Шонли йўл» каби мақолалари «Ўзбек Совет адабиёти тарихи», «Яшиннинг ҳаёти ва ижоди» каби рисола ва монографиялари адабиётшуносликда эътироф қилинган муқим асарлар қаторидан муносиб ўрин олди.

Мажид ака адабиётшунослик бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга республика халқ маорифини ривожлантириш ва педагогик кадрлар етиштириш соҳасида ҳам баракали меҳнат қилди. Бу ўринда унинг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон илмий текшириш институтида катта илмий ходим, сўнгра илмий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатидаги актив фаолияти. Термиз, Қарши давлат педагогика институтларида ўқитувчи, кафедра мудири, ректорлик вазифаларида олиб борган ишлари эътиборга сазовордир. Олим томонидан умумий таълим мактабларининг 9—10 синфлари учун тузилган ўзбек адабиёти хрестоматияси мана 20 йилдирки, асосий дарсликлардан биридир.

Маорифчи олим ўн йилдан буён «Совет мактаби» журналининг бош редактори лавозимида ишлаб келмоқда. Журнал саҳифаларида таълим-тарбиянинг энг актуал масалалари малакали ёритилишида ва илғор педагогик тажрибаларнинг кенг оммалаштирилишида унинг чуқур билими, илмий кузатишлари, бой ҳаётий тажрибаси ва журналист сифатидаги маҳорати қўл келмоқда.

Журналда босилаётган мақолаларнинг ғоявий-бадиий савияси, кўтарилаётган масалаларнинг моҳияти, мазмуни ва таъсирчанлигига жиддий эътибор берилаётир. Мажид Самадов журналга пухта раҳбарлик қилиш билан бирга ўзи ҳам ижод қилишни давом эттирмоқда, таълим-тарбияга оид кўпгина материаллар ўзининг актуаллиги билан алоҳида ажралиб туради. «Октябрь байроғи остида—коммунизм сари», «Умумий ўрта таълим», «Тарбиявий ишларни замон талаблари даражасига кўтарайлик», «Қишлоқ мактабларига катта эътибор», «Дўстлик ва ҳамкорлик тили», «Халқ маорифига ленинча ғамхўрлик» каби мақолалар ана шулар жумласидандир.

Устоз олимнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У республика халқ маорифи аълочиси фахрий унвонига сазовор бўлган. Шунингдек, СССР Ёзувчилар союзи ва СССР журналистлар союзининг, Олий таълим ва маориф министрлигининг қатор координацион илмий Советларининг аъзосидир. Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми таниқли олим, педагог ва журналист Мажид Самадовни Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади. Шунингдек, домлага Қори Ниёзий номли медаль ҳам топширилди.

Партия ва ҳукумат, кенг жамоатчилик катта хизматларини тан олиб, тақдирлаб келаётган устозимизни навқирон ёшлари, жамоатчилик томонидан нишонланаётган юбилей билан қизғин қутлаймиз. У кишининг номини ҳурмат билан тилга олиб энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

А. ПУЛАТОВ,
педагогика фанлари кандидати.

«Ташкнигаторг»нинг 19-магазини ходимлари харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Суратда: ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлимининг сотувчилари (чапдан ўнгга) И. Исломова ва Л. Ахмедшиналар янги босмадан чиққан «КПСС XXVI съезди материаллари» тўпламларини комплектламоқдалар.

М. Нурмиддинов фотоси.

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси «ФОТОРЕКЛАМА» комбинатининг ихтисослаштирилган рангли фотоательесига

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Фотоателье энг янги фотоаппаратурага эга, мижозларга юқори малакали мутахассислар хизмат кўрсатади.

Бу ерда ҳар хил кўринишда ва турли размерда рангли фотосуратларга тушишлари, шунингдек қора-оқ тасвирдаги фотосуратлар ҳам ишлатишлари мумкин.

Электр ёритиш ва диаскоп орқали кўриш учун рангли фотоателье турли хил тантаналарда ва юбилейларда рангли фотосуратлар олиб тайёрлаб бериш ҳамда болалар ва оилалар, ишлаб чиқариш ишчилари, мактаб ва техникум ўқувчилари ҳамда институтлари студентларининг жойларга бориб суратларини тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Буюртмалар ательеда ҳамда 33-47-83, 33-45-68 телефон номерлари бўйича қабул қилинади.

Меҳнат ҳаки нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан тўланади.

ЯНГИЛИКЛАР

КОНЦЕРТ БРИГАДАЛАРИ ДАЛАДА

Республикамиз партия ва ҳукуматининг пахта ҳосилини йиғиб олиш юзасидан барча меҳнаткашлар ва аҳолига мурожаати М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Бу муҳим ҳужжат саъатқорларнинг кенгайтирилган йиғилишларида ишлаб чиқилди ва пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун тўртта концерт бригадаси тузилди. «Лазги», «Гўзал» «Ханда», «Ёр-ёр» номи билан аталган бу группалар Бекобод райони далаларида дастлабки репертуарларини намойиш этишди.

«ОЛТИН КУЗ» БАЙРАМИГА КЕЛИНГ

Бу йилги мавсумда пойтахтдаги болалар истироҳат боғларини кўкаламзорлаштириш, улардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. В. И. Ленин номли паркда «Светофор» аттракциони ўрнатилган бўлса, С. Раҳимов, Валентин Котик номли оромгоҳларда ранг-баранг ўйинлар учун автомат қурилмалар фойдаланишга топширилди. Боғларда маданий-маиший тадбирлар ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилди. Болалар қўшиқ ва рақс конкурслари, спорт мусобақалари ўтказиб турилди.

Энди парклярда қувноқлар билан ҳайрлашувга ҳозирлик кўрилянти. Шу муносабат билан Шумилов номидаги паркда Фрунзе район ва Тошкент шаҳар ўқувчиларининг «Олтин куз» театрлаштирилган байрами ўтказилади. В. И. Ленин номли паркда эса болалар «Буратино» светофорлар мамлакатида» деб номланган сайлга таклиф қилинадилар.

С. ҲАСАНОВ.

ҲАМЗА НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ҲАЁТ ГИРДОБИ

ШУ ВАҚТГАЧА Ўктам Усмонов китобхонларга асосан ҳикоялари билан таниш эди. Изланиш ва ҳаётни ўрганишдан эринмаган ёзувчи янги ижодий жасоратга қўл уриб «Гирдоб» романини эълон қилди. Роман ҳақида ёзилган тақризлар матбуотда ёритилди. Уларда асарнинг ютуқлари рўйи-рост кўрсатилди. Айниқса, М. Қўшжоновнинг «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган тақриси алоҳида ажралиб туради. Мунаққид асарни ҳаёт билан қиёсий таҳлил этиб, мулоҳаза юритади, айрим таниқдичлар билан мунозара қилиб асар фазилатларини очиб беради.

Ёш ёзувчи романда республикамиз учун ниҳоят муҳим ва долзарб бўлган пахтачи олимлар ҳаётини акс эттиради. Ўзбек деҳқонларига пахтачилик бўйича ишлаётган олимлар, селекционерлар катта мадад бераётгани сир эмас. Олимлар яратган вилтга чидамли янги навларнинг кўплаб экилиши пахта ҳосилининг кўтарилишида асосий омил бўлди. Уларнинг ҳаёти, изланишлари, маънавий дунёсини бадиий акс эттира олиш эса осон гап эмас. Бу эса муаллиф олдига катта масъулият юклар эди. Ёзувчи енгиб ечиши керак бўлган яна бир муаммо — роман ёзилишига туртки берган ҳаётий замин, реал прототипларга муносабат масаласидир. Маълумки, асарда «Тошкент» навбинг яратилиш жараёни ҳаётий фон вазифасини ўтайди.

Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай эътироф этади: «Шу ўринда журналхон кўз ўнгига пахтаниг «Тошкент» навини яратган олимларгина келиши мумкин. Бу, табиий. Аммо асардаги воқеаларни фақат ўша олимлар ҳаёти билангина чеклаш бадиий ижод қонуниларига у қадар мос тушмаган бўлар эди. Мен турмушда юз берган ва учраши мумкин бўлган ҳодиса ва характерларни умумлаштириб тасвирлашга интилганман». Кўриниб турибдики, ёзувчининг натуралистик тасвирга, ҳаётдан нусха кўчиришга оғиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Ёзувчи асар марказига муҳим ахлоқий — ижтимоий муаммоларни — олимнинг маънавий дунёси, ҳалоллик, инсоф ва адолат, одамийлик каби масалаларни қўйди. Эски ҳизматлари эвазига кеккайиб, шон-шуҳрат талашишдан тап тортмайдиган, олимларни қаттиқ қоралайди. Роман ана шу маънавий дунёси юксак, руҳан бой олимлар ва таъмагирлик гирдобига ботиб қолган кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари, кескин қурашлари замининга қурилгач. Ундаги сюжет ҳам, конфликт— тўқнашувлар ҳам шу асосда ривожланиб боради.

Азиз Қосимов яратган пахтанинг вилт касалига чидамли янги навига муносабат орқали бу олимларнинг фазилатлари ҳам, нуқсонлар ва иллатлари ҳам ёрқин кўрина бошлайди. Азиз — ёш, истеъдодли олим. У ёв, вой гўзага маданий гўзани чатиштириш асосида янги нав етиштиришга жасорат билан қўл урган.

Ёзувчи Азиз характерини чизар экан, схематик йўллардан қочади. У адашмайдиган, ҳато қилмайдиган одамлар тоифасидан эмас. Адиб тасвирда ҳар хил бўёқлар ишлатиб, унинг инсоний қиёфасини бутун мураккаб қирралари билан кўрсатишга интилади. Азизда жонли инсонга хос ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам мавжуд. У илмий советда ўз қарашларини етарли далиллаб бера олмайди ва оқибатда ўзи қийналиб юради, гоҳо ичиб маст бўлиб тўполон кўтаради. Оилада ўзини тутиши, хотинига муомаласи ҳам «идеал» даражада эмас. Лекин Азиз ҳалол яшайди, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашишни катта бахт деб билади. Муаллиф бу ўринда ҳам тасвирмеъёрини тўғри белгилай олган. У илм аҳли кишиларининг қарашларидаги қарамақарши кутбларни топиб, кескин кураш ва тўқнашувларни акс эттиради. Мана шу ўринда романдаги яна бир фазилат намоён бўлади. Бу — психологик таҳлил маҳорати. Ёзувчи турли одамлар ўртасидаги тўқнашувлар драмасини жонли, ҳаётий давларда тасвирлар экан, уларнинг қалбидаги шиддатли тўқнаш қурашини, руҳий кечинмаларини кенг таҳлил қилади.

Ёзувчи қаҳрамонлар қалбидаги яхши ва ёмон сифатларни, турли-туман зиддиятларни турли бўёқларда акс эттиради. Муҳиддин Жабборович образини олайлик. У пахтачилик ривожига катта ҳисса қўшиб, академик даражасига эришган олим. Унинг обрў-эътибори, иззат-ҳурмати етарли, камчилик жойи йўқ. Аммо у кўпдан бери янгилик изламай қўйган, Шогирдларининг қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб туришга, оғзидан чиққан гапини иккита қилмасдан бажаришга кўникиб кетган. Азиз ўз нуқтаи-назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилганлиги учун ани ёқтирмайди, изланишларини шубҳа остига олади. Азиз бошлаган ишни: «...жуда ҳам чалкаш масала. Тани бўш. Бўшлиги эмас, пуч!... Бу мантиқсизликдан бошқа нарсамас!» — деб ерга уриб ташлайди.

Ёзувчи бу ўжар одамнинг хилма-хил қиёфага кириб товламачиниш ишларини тасвирлайди. Азизнинг ишлари янги кашфиёт эканлиги аниқланган, инсофни, диёнатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, уялмай-нетмай шериклик даъво қилади, улачи китобига ўз имзосини тиқиштирмоқчи бўлади. Институт директори Расул Оллоёрович ҳам ундан қолишмайди. Кашфиёт ҳали эълон қилинмай туриб, «тарт-тарт» бошланади. Шу тариқа роман негизини ташкил этувчи инсоф ва адолат, ҳалоллик ва ҳудбинлик ўртасидаги кураш, икки тонфага хос олимлар дунёсидаги зиддиятлар тўқнашуви юқори нуқтага кўтарилади. Бу кураш, баҳсларда Муҳиддин Жабборовичнинг ҳам, «юмшоқ суқурги» Расул Оллоёровичнинг ҳам ҳақиқий башараси намоён бўлади. Романда, айниқса, Муҳиддин Жабборовичнинг мана шу жараёндаги руҳий ҳолати дуруст таҳлил қилинган.

М. Қўшжонов ўз тақризида Муҳиддин Жабборович образини «Синчалак»даги Қаландаров, «Диёнат» даги Отақўзи типидаги одамлардан» деб баҳолайди. Бу фикр бир жиҳатдангина тўғри. Аслини олганда, унинг характерида салбий жиҳатлар устун туради. Бу образдаги иллатлар романнинг иккинчи қисмида сарқаям даражасида тасвирланади. У номуносиб хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари билан ўзини-ўзи бутунлай фош қилади. Бу олимнинг маънавий дунёсини равшан таърифлайдиган бир нуқтага эътибор берайлик. Вилт касали кенг ёйилиб, пахтачиликка жиддий шикаст етказаётган, халқ, давлат зарар кўраётган пайтда у янги навга қандай муносабатда бўлди? У ҳар томонлама Азизнинг изланишларига тўғанақ бўлиб, ҳам ёш олимга маънавий зарба беради, ҳам янгиликнинг ҳаётга илдиз отишига тўсқинлик қилади... Бу эса олимлик бурчига хиёнат, халқ ва давлат манфаатларига зид иш эди. Муҳиддин Жабборович шу даражадаги ўжар, ноинсоф одамки, масала ойдинлашиб, ҳамма нарса Азизнинг фойдасига ҳал бўлганда ҳам, ҳақиқатни тан олгиси келмайди. «Мен барибир ўз фикримда қоламан» деб, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. Асар охирида эса у ногўғар одам сифатида ўз ўғлимизда намоён бўлади.

Расул Оллоёров образи баъзи илмий-текшириш институтларида учраб турувчи «сих ҳам куймасин, кабоб ҳам» қабилида иш юритувчи айрим директорларнинг типик намунаси. У ҳам жонли бўёқларда чизилганлиги билан диққатга сазовор. Илғор бригадир, ҳақиқат йўлида куюнчаклик, жонкуярлик билан елиб-югуришдан эринмайдиган Маҳамат Чатоқ тўғри сўз олим Толмас Азимов образи ҳам ўқувчининг эсида қолади. М. Қўшжоновнинг тақризида танқидчи Н. Худойберганов томонидан Маҳамат Чатоқ образининг аҳамиятини камситиброқ берилган баҳо деб тўғри танқид қилинган. Уни адабиётимизда пайдо бўлган янги, ҳаётий қаҳрамон сифатида эътироф этиш лозим.

Роман ҳақидаги барча тақризларда Азиз образига тўғри баҳо берилган ҳолда уни «иродасиз, пассив шахс» (М. Юнусов). «муҳитнинг бандаси, ўз ирода йўналиши билан жўрлатсиз, тортинчоқ, ҳатто бир оз эпсиз, суст» (М. Қўшжонов) деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Бу фикрлар мазкур қаҳрамон ҳақида бир ёқлама тасаввур тўғдирмасмикин? Азиз иродасиз, пассив, жўрлатсиз киши бўлганда катта кашфиётга қол урмаган, шубҳа, истеҳзоларни енгиб ўтиб дадил олга бораолмаган бўларди-ку! Тўғри, у кўнгли бўш, табиатан юмшоқ йигит. Аммо илм ва олимлар дунёси ҳақида мустақил қараш лари бор. У руҳан Муҳиддин Жабборович, Расул Оллоёрович каби таъмагир олимлардан, Шорасул каби номига фан кандидати бўлиб юрган «қуруқ савлат»лардан устун туради. Унда чуқур билим, идрок, истеъдод бор. «Гирдоб» да ўз табиийлиги, жонли ва ёрқинлиги билан ажралиб турган Азиз образига ҳар хил таёр қолиплар билан эмас, ҳаёт мантиқидан келиб чиқиб ёндошган маъқул. Лекин шу ўринда бош қаҳрамоннинг ҳали лаборант сифатида тасвирланишида, менинг назаримда, табиийлик етишмаётганлиги сезилиб туради. Муаллиф Азизни фан кандидати қилиб тасвирлаганда ҳам, барибир, у юқоридаги барча тўсиқларга дуч келар ва бунисиз анча ишонарли, табиий чиққан бўларди.

Ёзувчи ахлоқ, оилавий бурч, ҳалоллик ҳақидаги қарашларини ҳаяжонли ҳолда акс эттиради ва хулоса чиқаришни китобхонга ҳавола қилади.

«Гирдоб»ни жамоатчилик мамнуният билан қабул қилди. У ҳақда баҳслар, мунозаралар давом этмоқда. Бу — ёзувчининг катта адабий имтиҳондан муваффақиятли ўтганидан, китобхонларни ўйлашга, фаолиятга чорлайдиган асар ярата олганидан далолат беради. Бу эса ёш ёзувчининг катта ютуғи, адабиётимизга қўшган муносиб ҳиссасидир.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
адабиётшунос.

Суратда: Бутуниттифоқ мактаб ўқувчилари спартакиадасининг совриндори Венера Зарипова машғулот пайтида. А. Рисқиев фотоси.

(ЎзТАГ).

Спорт

● ШАХМАТ:

ҲИСОБ 3 : 0

Италиянинг Мерано шаҳрида жаҳон шахмат тожи учун ўтаётган мусобақада жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ва даъвогар Виктор Корчнойлар бешинчи партияда 69-юришдан сўнг дурангга розн бўлдилар. Бу партияда А. Карпов қора доналар билан ўйнади. Ҳозирча ҳисоб 3 : 0; А. Карпов олдинда.

● ГТО КЎПКУРАШИ:

ЧИРЧИҚЛИК ҚИЗ ИБРАТИ

Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси Галина Рахметова «Комсомольская правда» газетаси соврини учун Кишинёв шаҳрида ўтказилган финал баҳсларда муваффақият қозонди. У 100 метрга югуришда энг юксак натижа кўрсатди. ГТО кўпкураши мусобақалари якунига кўра РСФСР спортчилари биринчи, украиналиклар иккинчи, ленинградликлар учинчи ўринни эгалладилар. Бу сафар ўзбекистонлик спортчилар 13-ўрин билан кифояландилар.

● ХОККЕЙ:

ЯНА ҒАЛАБА

«Бинокор» командаси хоккейчилари бу йилги мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганликларини исботлашмоқда. Улар Череповец шаҳрининг «Металлург» командаси билан ўтказилган такрорий учрашувда ҳам ғалаба қозондилар. Ҳисоб 2 : 1. Бу командалар ўртасидаги биринчи учрашувда 4 : 2 ҳисоби билан ҳамшаҳарларимизнинг қўли баланд келган эди.

АССАЛОМ, ВЬЕТНАМ

16 октябрда Вьетнам Социалистик Республикасида Ўзбекистон ССР мисолида Совет Иттифоқи кунлари бошланади. Бу байрамда Вьетнам социалистик республикаси меҳнаткашлари санъат, маданий ҳаёт, илм-фанни ривожлантиришда эришаётган муваффақиятларимиз билан яқиндан танишадилар.

Ханой, Хошимин каби йирик шаҳарларнинг санъат саройлари Ўзбекистон вакиллари ихтиёрига берилиб қўйилади. Яқиндагина бу ерда «Ялла» вокаль-чолғу ансамбли катта концертлар қўйиб берган эди. Энди вьетнамликлар «Шодлик» ансамбли санъати билан танишадилар.

Ансамбль Вьетнамда ўтадиган маданият кунларига атаб махсус программа тайёрлаган. Бу программа «Жонажон Ўзбекистон» вокал-хореографик сюита билан бошланади.

Вьетнам Социалистик Республикасининг кўпгина шаҳарлари ва вилоятларида республикамизнинг тасвирий санъати, халқ амалий санъати, болалар расмлари кўргазмалари ташкил қилинади. Вьетнамликлар мўйқалам усталари А. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, Р. Аҳмедов, Н. Қўзибоев каби санъаткорлар яратган картиналар билан танишадилар, «Совет Ўзбекистони» деб номланган фотокўргазма эса республикамиз ўтмиши ва бугунги ҳаётидан ҳикоя қилади.

Маданият кунлари давомида ўзбек адиблари асарларининг кўргазмаси ҳам ташкил қилинади. Кинотеатрларда «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган фильмлар кўрсатилади.

Вьетнамда ўтадиган маданият кунлари икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

М. ЗАРИПОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эр талабки гимнастика. 10.05 — Горячие сердца. 10.35 — Қора учбурчак. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — Киносаҳнатчилар клуби. 12.40—15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Сен қонунни биласанми? 16.30 — Концерт. 17.00 — Телевизион журнал. 17.30 — Рус тили. 18.00 — Усмирлар ижоди. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Меҳнат шоншуҳрати байроқдорлари. 19.55 — Бирғалиқда, ақил оиламиз 20.25 — Қора учбурчак. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Адабий мерос. 1-фильм. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10—Адабий мерос. 2-фильм.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Атоммаш — бригада. 10.05 ва 12.05 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.40 — М. Ю. Лермонтов. Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ. 11.00 — Сиз яратган боғ. 11.30 ва 16.50 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — Физика. 13.10— В. Брюсов лирикаси. 14.10 — Проза саҳифаларида. 14.55 — Мактаб ва ижод. 15.25 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 2-серия. 19.30 — Ер ости бойликларининг ҳароратига. Илмий-оммабоп фильм. 19.45— Ҳамдўстлик. 20.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. Офтобни қандай қилиб уйғотди. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Тбилиси).

ЎзТВ-I

11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — Болалар учун концерт. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.30 — Телефильмлар. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.35— Ноқоратупроқ ўлка ўйфқлари. 1-кўрсатув. 19.10 — Йиллик план—7 ноябрга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшанида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Тергович билимдонлар олиб боради. Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

ЎзТВ-II

18.10 — Болалар учун фильм. 18.20 — Телефильм. 19.20 — Классик куй саҳифалари. 20.00 — Янгиликлар. 20.40 — Китоб дўстлари. 21.10 — Дала кундалиги.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16ҲХ да «Кузнинг биринчи куни», 17ҲХ да «Алмандар».

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15ҲХ да Тошкентнинг нозанин малиноси, 16ҲХ да Гулсара, 17ҲХ да Ишонмасанг, ўламан.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва Давлат цирки артистларининг хайрлашув гастроллари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
20—21 октябрь соат 19.30 да
ЛИРИК ХОНАНДА, ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
Шерали ЖУРАЕВ
ЦИРК МУҲЛИСЛАРИНИНГ МЕҲМОНИ
қатнашадилар:
Ўзбек паҳлавонлари, жонглёрлар, иллюзия ва оригинал жанр усталари.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ Тошкент шаҳри абонентлари ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТЕХНИКА ЎЗЕЛИ Тошкент область Чиноз район марказида эски телефон номерларини ўзгартириш билан бирга янги автоматик телефон станциясига уланиш ишлари ўтказилаётганини БИЛДИРАДИ.

Чиноз справка бюросининг 31-222 ва 32-2222 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йил учун «ГУЛИСТОН», «САОДАТ», «МУШТУМ», «ГУЛХАН», «ҒУНЧА» ЖУРНАЛЛАРИГА ВА МАРКАЗИЙ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида ва алоқа бўлимларида 1 ноябрдача қабул қилинади. Обунани каталогда кўрсатилган шартларга биноан хоҳлаган муддатга расмийлаштириш мумкин.

ОБУНАНИ КОЛЛЕКТИВ РАВИШДА ВА МАЪЛУМ МУДДАТГА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари —335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02268. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64664. Б. 1737. 11